

МИНСК УЧРАШУВИ: ЯКУНЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Станислав ШУШКЕВИЧ:

«ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ
ХУШАҲЛОҚ СИЁСАТ ЎТКАЗМОҚДА»

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг олий даражада Минскида ўтказилган учрашуви ниҳоятда муваффақиятли бўлди. Бу ҳақиқатдан ҳам аниқ бўлган эди. Ҳамдўстлик Давлатлари бошқарувидаги учрашудан кейин чиқариш мумкин бўлган энг муҳим ҳулосадир. Илгари олий даражада ўтказилган ҳамма учрашувлардан фарқли ўлароқ сўнгги учрашуви энг муҳим сиёсий ва иқтисодий масалаларни амалий равишда вазмин ҳал этганлиги билан ажралиб туради.

Сувверен республикаларнинг давлат ва ҳукумат бошқаруви муҳофазасига 14 та масала киритилган эди. Уларнинг ҳаммаси ҳамдўстликдаги ҳар бир мустақил давлат учун ҳаётий муҳим эканини таъкидлаш муболағи бўлмади. МДҲнинг иқтисодий, давлатлараро банк ва иқтисодий ҳамкорлик масалада кенгайтириш тўғрисидаги шартларни қўллаш, стратегия ядро кучларини тақсимлаш, Тожикистон билан Афғонистон ўртасидаги чегарани мустақамлаш учун МДҲнинг тинчлик ўрнатувчи ҳарбий бўлинмаларини юбориш, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш энг муҳим масалалар жумласига кирар эди. Қўлгина муаммолар юзасидан келишиб олинди. Бунинг маъноси шунки, Мустақил Давлатларнинг раҳбарлари музокарадошларнинг фикри ва далилларига кўпроқ вазминлик ва ҳайрихоҳлик билан қарай бошладилар. Аммо бундан келишувчилик сиёсати тактикаси танлаб олинди, деган маъно чиқмади. Ҳар бир раҳбар ўз давлати ва халқининг манфаатини кўзлаб иш тутганлиги табиий.

Ҳозирги ривожланиш босқичида мустақил давлатлар ҳамдўстлиги зарур, деб ҳисоблайди Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов. «Социал-демократик республикаларнинг ҳозир жиддий иқтисодий қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шу сабабли ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилмасдан бошқа йўл йўқ. Аммо шунинг алоҳида таъкидлаб ўтқочганимиз, икки томонлама муносабатлар шундай ҳамкорликнинг негизи бўлиши мумкин ва лозим. СССРнинг ҳар қандай тарзда қўмсашига мутлақо қаршиман. Тарих гилдирагини орқага буриб бўлмайди».

Ўзбекистон Президентининг фикри Минскида МДҲ Бюроси ёнига йиғилган намойишчиларнинг фикрига кўп жиҳатдан мос келди. Бу ерда ўта ўн партиялардан тортиб либерал партияларгача бўлган кучларнинг намояндалари бор эди. Биз ўзбек телевиденсиси гуруҳи билан биргаликда социология сурови ўтказдик. Бу суров иттифоқни қайта тиклашдан ҳеч бир маъно йўқ, деган аниқ-равшан ҳулоса чиқариш имконини берди. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни бирон-бир марказнинг ва оғаларнинг кўрсатмасисиз, сифат жиҳатдан янги, маърифатли асосга қўриш зарур.

Бироқ кенгашининг ўзига қайтайлик. Беш президентнинг Тошкент учрашуви бу кенгашининг рўқия белгилаб берди, деса бўлади. Ўша учрашувада Марказий Осиё давлатларининг кучлари бирлаштирилмаган эълон қилинган эди. Борис Ельцин ҳам, Леонид Кравчук ҳам бу қарор қабул этилиши муҳимлиги ҳақида гапирдилар. Улар минтақа бозори мустақил давлатлар учун

манфаатли эканини тан олди. Ҳар бир мамлакат таъкидлаш қутулиш учун ўз йўлини излаётганлиги мутлақо табиийдир. Бу хусусда Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг раиси Станислав Шушкевич жуда аниқ гапни айтди. Учрашув арафасида икки мамлакат раҳбарлари дипломатия муносабатлари ўрнатилиш ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар.

Илгари биз Ислам Каримов билан МДҲ доирасида давлатлар ўртасидаги муносабатларни қандай йўлга қўйиш ҳақида бир неча бор гаплашган эдик. «Деб таъкидлади Беларусь парламентининг бошлиғи. — Бизнинг фикримиз тўғрисидаги замоннинг ўзи исботлади. Мен Ислам Каримов билан дўст бўлганимга фахрланаман. У хушаҳлоқ сиёсат ўтказмоқда».


Сўнгра, Станислав Шушкевич гўё Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги ҳақидаги саволга жавоб қайтарди, бундай юзаки мулоҳазалар учун ҳеч қандай аниқ асос йўқлигини қатъий қилиб айтди. Эгам республикадаги вазиятни, кучларнинг ҳақиқий маъқени билмай туриб, асоссиз гапларни айтиш яраммайди.

Оммавий ахборот воситаларида учрашувда имзоланган ҳужжатлар жуда батафсил баён этилди. Бу ҳужжатларнинг ҳаммаси асосан иқтисодий аҳволи барқарорлаштиришга, танглик жабаёнларини тезроқ бартараф қилишга қаратилган. Ҳар бир давлат бу муаммоларни яна-яна ҳал эта олмаслиги мутлақо равшан. Бунинг исботловчи мисоллар кўп. Ўз валютасини шоша-пиша қийор этиб, ҳамдўстлик давлатларидан ажралиб қолаётган Украина айтишининг ўзи қийофа қилади. Аммо иқтисодий сиёсат билан чамбарчас боғлиқлиги маълум. Давлатларнинг бошлиқлари кўпгина муҳим муаммолар, аввало Тожикистон хусусида бир тўхтамага келдилар.

Ислам Каримов билан Нурсултон Назарбаев бу тоғли ўлкадаги биродарлик урушини тўхтатиш, аҳволи нормал изга солиш хосида изчил сиёсат ўтказиб келмоқдалар. Ҳамдўстликдаги ҳамкорлик давлатларнинг бошлиқлари уларнинг йўлини қўллаб-қувватладилар. Ўзбекистон Республикасининг бошлиғи ҳозирги вақтда Тожикистон билан Афғонистон ўртасидаги чегараларнинг унчалик мустақам эмаслиги ноқуш оқибатларга олиб бориши мумкин ва бу оқибатлар қўшни давлатлардаги вазиятгагина эмас, ҳатто Россиядаги вазиятга ҳам салбий таъсир қилади, деган фикрни исботловчи далилларни неча марта айтган эди. Шу сабабли Минскида Тожикистон — Афғонистон чегарасини мустақамлаш учун ўн кун мобайнида ҳамдўстлик мамлакатларининг тинчлик ўрнатувчи кучлари қўшимча қисмларини юборишга қарор қилинди.

Шундай қилиб, ҳамдўстлик мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги Минск учрашуви ниҳоятда муваффақиятли бўлди. Шундай ҳамкорликсиз давлатларимиз аҳолисининг турмушини яхшилаб бўлмайди.

Л. ЛЕВИН,
ЎАА махсус мухбири.



Ўзбекистон Республикасида Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари бошланди. Январнинг 25 кунини Қорақалпоғистон Республикаси Олий Советининг раиси У. Аширбеков ҳамда Қорақалпоғистон Министрлар Советининг раиси Р. Иўлдошев бошчилигидаги анжуман қатнашчилари Тошкентга келди. Раёгон байроқлар билан безатилган Тошкент аэропортида меҳмонларни фан ва маданият арбоблари, Ўзбекистон ишчи ёшлари ва студентлари вакиллари, адабиёт-санъат мухлислари, Ўзбек миллий либосидаги қизлар гуруҳи қарнай-сурнай садолари остида нон-туз ҳамда гуллар билан қарши олдилар. Кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош

КУЁШ ЧАРАҚЛАГАН КУНДА

Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари тантанали очилди

вазирининг ўринбосари М. Қорабоев сўзга чиқиб, йиғилганларни Ўзбек диверди бошланган анжуман билан қизғин табриклиди. Маданият кунларининг икки жондорлик ришталарини бирор тақамлаш борасидаги аҳамияти тўғрисида қисқача тўхтади. Шундан сўнг меҳмонлар номида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси У. Аширбеков сўз олиб, оғир иқтисодий шароитда катта маданий-маданий аҳамиятга эга бундай тадбирни ўтказишга қарор қилган Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари ва бутун Ўзбек халқи аҳамияти миқдоридаги кўрсаткич билан безатилган байрамона файзли кўчалар, ороланган майдонлару диверди янада гавжумлашиб кетди. Айниқса, не-не қувончи воқеаларнинг шохиди — Ашир Навоий номидаги театр майдонида ўзгача шукух, ўзгача тароват. Фаворанинг икки томонига икки ўтов тикилган, бу ўтовларга кириб чиқиб, қорақалпоқ халқ амалий санъати асарлари кўрсаткичи иш бошлаган, иккинчисида эса моҳир пандалар тайёрлаган миллий таомлар иштаҳани қитқилайди. Қарнай-сурнайлар аэз меҳмонлар, санъат шайдоларини театрда тантанали очилак маросимга чорлайди. Қорақалпоқ ва Ўзбек мил-

лий либосидаги гўзал қизлар меҳмонларни тавозеъ билан қаршилаб, уларга гуллар, маданият кунлари дастурларини тақдим этишди. Меҳмонлар ва томошабинлар қорақалпоғистонлик истеъдодли болаларнинг театрининг нақшинор равоқлари остида очилган иқодий кўргазманини қизиқиш билан кўздан кечирдиши...

Соат 17.00. Икки республика давлат байроқлари билан, сават-сават гуллар билан безатилган сахнага Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Ўзбекистон Олий Кенгашининг раиси Ш. Иўлдошев, Республика Бош вазири А. Муталова Бош вазири А. Муталова, Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг раиси У. Аширбеков, Қорақалпоғистон Бош вазири Р. Иўлдошев, қорақалпоқ ва Ўзбек маданияти намояндалари, ишчи-қўшмакчилар вакиллари, жамоатчилик вакиллари қиёб келадилар. Залда ҳозир бўлган меҳмонлар ва томошабинлар уларни қарсақлар билан кутиб олишди.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, тақшиқлий комитет раиси М. Қорабоев, Қорақалпоғистон маданияти кунларини очиб, деб эълон қилиб, республика бош вазири А. Муталовага сўз берди.

Бугунги тантаналар, — деди Бош вазири, — Қорақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳрининг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган унутилмас байрамнинг давомидир. Бу кўрм муштарак маданиятнинг тарқоғи қисми бўлган қорақалпоқ адабиёти ва санъати камол топаётганининг намойиши бўлади. Шундан кейин Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг раиси У. Аширбеков, Қорақалпоғистон Бош вазири Р. Иўлдошев, қорақалпоқ халқлари озолик шамоли текканини, илгари ҳам ўтказилган бундай тадбирлар эндиликда янги раҳ, янги маъмури кашф этганини таъкидлади. Аму ва Сирдан сув ичиб, ташналигини қондириб келадиган қавм-қариндошлар, қуда-

қудагайлар машаққатли кунларни бошдан кечирётганига қармай, келажакка умид билан боқётганини, бу йўлда хормай-толмай меҳнат қилаётганини айтди.

Ўзбекистон маданияти арбоблари билан ўтказилган учрашувларимиз, — деб давом этди У. Аширбеков, — адабиётимиз ва санъатимизни янада ривожлантиришда муҳим босқич бўлиши, шубҳасиз. Бу эса асарлар мобайнида давом этиб келадиган дўстлигимизга янги маъмури бахш этди, оғанинчилигимизни қучайтиради.

Сўнгра қорақалпоқ ва Ўзбек маданияти намояндалари бирин-кетин миёнбарга кутариладилар. Улар бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд сифатида қўлни-қўлга бериб иқод захматини чекаётганларини, асарларида эрк ва озоликни, истиқлолимизни, тинчлик-осойишталикни кенг-роқ акс эттиришга интилаётганларини таъкидлаб, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, маданият арбобларининг шахсий алоқаларини бундан буён ҳам мустақамлашга даъват этдилар.

Қорақалпоғистон маданияти кунларининг тантанали очилиши маросими шу республика санъат усталари ва иқодкор ёшларининг катта концерти билан ниҳоятда етди.

Баҳодир АБДУЛЛАЕВ,
ЎАА мухбири.



СУРАТЛАРДА: Қорақалпоғистонлик аэз меҳмонларини кутиб олиш пайти.

ЎАА суратлари.

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН

КОРЕЯСЛАРНИНГ ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

Республикаимизда юздан ортиқ миллат вакиллари яшайдилар ва улар ўз аънавлари, урф-одатларига қара янги йилни турди вақтларда кутиб оладилар. Шарқий Осиё мамлакатлари

халқлари бу кунни тақвим бўйича январь ойининг сўнгги ўн кунлиги ичиде ўтказадилар.

22 январь кунини Тошкент вилоят ҳокимлиги ҳамда корей миллий маданият маркази ташаббус билан Южонричирчи туманида «Дўстлик» жамоа хўжалиги аэзолари 1993 йили кутиб олдидилар. Байрам кечасига ташриф буюрган турли миллат вакиллари бир-бирларини янги йил билан кутлаб, эзгу ниятлар тиладилар.

Улар орасида шу хўжалик бошқарувида кўп йиллар раҳбарлик лавозимида яшлаган Хван Ман Гви бор эди.

— Аэзизим, — деди собиқ ра-

ис кўз ёшини артаркан, — буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати билан бўлипти. Мустақиллик фақатгина ўзбек халқиғина эмас, бу ерда яшайётган барча халқларга тили, дини, урф-одатларини, миллий қадриятларини қайтариб берди. Аввал бундай байрамимизни пияҳона ҳар бир оила, ўз хонадонидега нишонлар эди. Ўз раҳнамоллиги билан халқ эркинлик берган Президентимиз И. Каримовдан биз кекса меҳнат фахрийлари жуда хурсандимиз ва у юртга эътибор сиёсатини қўллаб-қувватлаймиш.

Янги йил байраминда «Жемчужина» номли халқ йили дастаси ҳамда таъкид

санъаткорлар ижросида Ўзбекистон, Корея, Ҳиндистон, Куба халқларига мансуб янги йилни тараннум этуви куй ва қўшиқлар ижро этилди.

Томошабинлар ўзига жалб қила олган хушовоз хонаида ва шўх рақс ижрочилари совғалар билан тақдирландилар.


Тайтанали кечада Тошкент вилояти ҳокими муовини Х. Қамидов иштирок этди.

Даврон АҲМАД.

Суратларда: «Дўстлик» жамоа хўжалигида ўтказилган корейсларнинг янги йил кечасидеги лавҳалар.

Муаллиф суратлари.





ЯНИНГУлдаги «Труд» ижарачи ишлаб чиқариш ширкати жамоаси мақсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг бир йил давомида икки баравар ошди. Ҳозирги вақтда бу ерда буюмларнинг ўн хил тайёрланадиган. Суратда: ширкат ходими Нилуфар Қурбонова корхонада тайёрланган мақсулотларни намойиш қилмоқда. Ф. ҚҮРБОНОВА (Ў.А.) сурати.

ТУРКИСТОН БИР, ВАТАН БИР

Яқин орада Ўзбекистонда «Янги кун» деб аталган газетанинг биринчи сон чикади. Урта Осиё ва Қозғистон халқлари ҳамкорлиги ва тараққиётга кўмаклашувчи халқаро уюшманинг наشري бўлган бу газетанинг минтақамиз учун қандай зарурати бор?

Ў.А. мухбири шу хусусда халқаро уюшманинг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девоиннинг етакчи консультанти О. Уқубоевага мурожаат этди.

— Мен, аввало, уюшма-мизнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида «бироз тўхталсам, нега десангиз бу газетанинг чиқиши ана шу мақсад ва вазифаларга пайвандар — дейди Ориғбой Қинабекович. — Бу мақсад ва вазифалар нимадан иборат?

Биринчидан, булар халқ ҳужалиги, фан ва маданият соҳаларидаги интеграцион жараёнларни жадаллаштириш, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги дўстона ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаш, халқларимизнинг маданияти, анъаналари ва урф-одатларини тарғиб қилишдан иборат.

Иккинчидан, еса минтақамизда ягона ахборот марказини тўзишдир. «Янги кун» газетасининг ўз йўналиши бўлади. Бунинг ҳаётий ўзи тақозо этаётган. Ў.А.нинг биринчи сонини ҳаммамиз сабрлилик билан кутмоқдамиз. Газета ўзбек, рус, қозоқ, тоjik, туркман, қирғиз тилларида чоп этилади. Бу янги нашр марказий Осиёнинг иқтисодий, маданий ҳаётини пухта ёритиб газеткорларни кўшунд этади, деб уйлаймиз.

Долзарб мавзуда суҳбат

қандай юмушлар билан машғул?

— Ташкилотимиз тузилганига бор-йўли олти ой бўлди. Уюшмамиз ҳузурида олтига бўлим ишламоқда. Булар жумладан, маданий алоқа ва туризм, фан иттифоқлари ва таълим синга-рақчилиги бўлади. Бундан ташқари биз бошқа мустақил республикаларда уюшмамизнинг марказларини очмоқчимиз. Олматада эса шундай марказ иш бошлади.

Суҳбатдош Турсувбой БОТИРБЕКОВ, Ў.А. мухбири.

Сўраган эдингиз

«ХУРМАТЛИ муҳаррират ходимлари! Мен Тошкент темир йўл инженерлари институтини битириб, ўттиз етти йил давомида меҳнат қилдим. Айни пайтда нафақахўрман. Ишлаб юрган вақтимда бола-чақадан орттириб, яқин кунларга атаб 10 минг сўмини жағмарга банкка қўйдим. 1991 йил 1 апрелдан нарх-наволар ошди, бозор иқтисодига ўтиш мубосабати билан бу пулимга 40 фоиз қўшилди. Бунинг учун раҳмат. Аммо шундан сўнг яна 8—10 марта нарх-наво ошди кетди. Агар шу ўн минг сўмга 1990 йилда 300 сўмдан 33 та музлатгич олишим мумкин бўлган бўлса, ҳозир яримта ҳам ололмайман ва музлатгич ҳам берайми. Шунчалки зарар кўриб қолавераманми? Бизларга ҳам бирор бир энгиллик яратилдими? Илтимос бу борада тушунтириш берсангизлар».

Абдувоҳид АБДУШУКУРОВ, Тошкент шаҳри.

Муҳарриратимизга бундай мазмундаги хатлар тез келиб турипти. Бу борада мукаммалроқ жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси жағмарга банкнинг умумий хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлигининг муовини Танзилла Минибоевага мурожаат қилдик. — Айни кунларда республикамизда 2 мингдан зиёд жағмарга ташкилотлари бўлиб, уларда 7 миллион 327 минг киши умумий миқдори 23 миллиард 882 миллион сўм бўлган маблағларни сақлашмоқда. Шу жумладан Тошкент вилоятида ҳам 780 минг киши 3 миллиард 128 миллион сўмларини бизларга ишониб

тоширишган. Бу рақамни биринчи бор эшитган кишининг салмоқли эканлигига ишонч билдиради. Бунинг сабаби кишиларнинг ойлик маошлари ҳамда турли даромадларнинг бир неча баробар ошиб кетганлигидир. Энди юқоридаги мақтуб масаласига келсак, бозор иқтисодиёти шароити натижасида пулнинг қадри сезиланиб кетиши фақат бир-

ЖАМҒАРМАНГИЗГА ҚЎШИЛАДИ

буинча янги фоз ставкада рини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Ҳайлайманки, бу ҳам кишиларга моддий мадад бўлади. — Шу маблағни кишилар қачондан бошлаб олишлари мумкин? — Маълумки, бизда икки

хил, яъни йўқлаб олинмаган омонатлар ҳамда сақланган мuddати белгиланган жағмарлар бор. Мисол учун юқоридаги қонун асосида йўқлаб олинмаган омонатларга 10 фоиз қўшилди. Қонун 1 январдан бошлаб кучга кирганлиги учун ҳам агар кишилар маблағларини йил охирида олишганина унга 10 фоиз қўшилди. Айтайлик, йилнинг ўртасида олишса мажор қўшимчанинг ярмигагина эга бўлилади. Лекин шу ўринда айтиб ўтиш кераки, сақланган мuddати белгиланган жағ-

марга ағаларига яхшигина афзаллик бор. Чунки сақланган мuddати беш йилдан кўп бўлса улар 45 фоиз қўшимча олади. Мисол учун, биринчи йили минг сўмга 450 сўм қўшилса, иккинчи йили 1450 сўмга яна 45 фоиз қўшилди, жағмарга шу тахтида ошиб бораверади. Аммо сақланган мuddати белгиланган жағмарлар мuddатидан илгари олinsa, унга фақат ик-

Бу-қизик

КАБУТАРЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТДА

ФРАНЦИЯДА кабулар иқтибозлари жуда кўп. Ҳозирги вақтда шу иш билан шуғулланувчилар 30 минг кишини ташкил этади. Ажабланирлиси шундани, уларнинг ҳаммаси Мудофаа ва Ички ишлар вазирликларида қатъий ҳисобда туради. Бунинг босни, зарурат туғилганда улар, яъни 3 миллионгадан ортқ қанотли дўстлар, оддий резервдаги кишилар сифатида сафарбар этилишлари мумкин.

Турли касб эгалари

Ҳатто, Жасур лақабли бир кабулар ўқитишда ҳамма таъзим қиладиган кўш ҳисобланган. У масъулияти тоширишнинг бажарганилиги учун ишон билан мунофотланган эди. Табиий равишда қариб ўтгандан кейин сомон тийилган териси Парижда Франция ҳарбий музейига қўйилди. Ҳозирги вақтда эса Франция пойтахти яқинидаги махсус кабуларлар музейида сақланмоқда.

Албатта, суғий йўлдошлар орқали алоқа ўрнатилган ҳозирги даврда кабуларларнинг хат ташувчилиги мавқеи кескин пасайиб кетди. Бироқ, шунга ҳам қарамай 150 та бундай парранда Париж яқинидаги Виллерс тоғлидаги истеҳкомда ҳарбий хизмати ўтамоқда. Фурқаролар эса ҳамон улардан яқин дастлар сифатида фойдаланмоқдалар. Жумладан, кабуларлар қитъа билан оролар ўртасида парвоз қилиб турибди. Масалан, зудлик билан тахлил қилинадиган қонни оролардан қитъаларда лабораторияларга етказиб беришда ва шу каби бошқа юмушларда қўл келмоқда.

Тахририятга хат

МЕН УЧУН ФАХРЛИ

Хурматли муҳаррират ходимлари! Бир неча йиллар, қувончимни ҳам, қайғуларимни ҳам сизлар билан бирга баҳам кўриб келдим. Шунинг учун ҳаётимда нима янгиликка шод бўлсам, шунинг қалам-ҳамроҳларим, таянчларимга етказишга шошладим. Бу гал ҳам шу туйғу билан мақтуб йўллашмаман. Яқинда хондонимизга «ЭХДП Қирғай район Кенашининг биринчи котиби» ҳақидаги Шералиев кириб келди. У мен халқ-демократик партияга аъзо бўлишим билан табриклар билан ташрифтди. Шу йилдаги шодлигим, умрбод партияга содиқлик билан ҳаёт кечишимни исбатлаган, ўз ўрнида унинг фаолиятлиги аъзоимизга деб билган кишига ҳис этади.

Суҳбатдош Турсувбой БОТИРБЕКОВ, Ў.А. мухбири.

Тахририятга хат

МЕН УЧУН ФАХРЛИ

Мендек ногирон инсоннинг уйига келиб эҳтиром кўрсатиш чоғида Салор посётида Кенашининг вазиси Т. Ҳарманов ҳам қатнашиб, чин дилдан қутлади. Ана шу қувончли дамларда мустақил Ўзбекистонда инсон қадр-қимматига эътибор ҳамон биринчи ўринда турганлигини, меҳр-оқибат сўнмаганилигини яна бир бор туйғуби бўлди. Бажонидил мен аъзо бўлган партия ўз гоясини баровга мажбурламайди. У эркин, эл фаровонлигини кўзлаган, демократик партиядир. Бундан буюнги қўлимдан келган хизматимни ана шу партияга сидқиқилдан хизмат қилишга бағишлайман.

Н. ШАДРИН.

Жиноят ва жазо йўлдан адашганлар

Ўзбекистон Президентининг шахсий тошириғи билан уюшган жиноятчиликка қарши кураш кучайтирилганлиги айни мuddада бўлди. Чунки, оғир меҳнат қилмай, энгил йўл билан пул топиб, техникўрликни ўзларига «насо» қилиб олган бу кимсалар бодорқоқ кўпайиб, ҳаммаси ўз ҳолига «гуруҳ»лар тўзиб олишган.

Чирчиқ шаҳрида ҳам хар хил шубҳали шахсларни учратиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги ҳеч қаерда ишлаймайди, турли жойлардан келишган. Яқинда Чирчиқ шаҳар халқ суди Сергей Каюлинин 11 йилга, Тўлкин Тимировни 12 йилга (у йилга ҳам Бўстонлик район халқ суди томонидан жазога тортилган, лекин жазо мuddатини ўтмай қочиб юрган эди), Зинур Валирахмоновни 9 йилга, Зайна Еле-

НАҚШИН БЕЗАКЛИ НИШОНЛАР

Истеъодли расмом С. Шарипов тасвирий санъатнинг каллиграфия соҳасида самарали янги қилиб келатган мўйқалам усталаридан бири саналади. Шу июлда йўлда у жиддий изланиб, қатор жозибалдор асарлар яратди. Араб ёзуви ҳаттолигини пухта ағзалган олдидан қўлидан чиққан «Бухоро библия танишувчи», «Анор» каби асарлари эркин композициялар янглиғ томошабинни ҳаяжонга солади. Расмом томонидан мажорат билан чиқилган ажиб тасвирлар нақшин нишонларга ўзгача сайқал берди. Шу ўринда ўзбек мумтоз адабиётининг улкан намояниси Нодирабегимга бағишланган нишон тасвирини пухта ағзалган кўрсатиш тўғрисида, Мажор ижодий жараён Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига санъаткорнинг соғваси бўлди. Улуғ соҳибқирон, бобокалонимиз Амир Темур ҳақида хикоя қилувчи нишон ҳам шарқона нозик безакларга бой. Расмомнинг бу ва шунга ўхшаш бошқа асарлари Тошкент амалий санъат музейида очилган кўргазмага қўйилди.

А. АЛИВ.

БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

ЎҒРИ... ҚИЗЛАР

ловчилар кўп экан, бир амаллаб «ТошГРЭС» автобусига чиқдик. Биз билан бирга автобусга лаблари, кўзлари, юзлари бўлган, сочлари кесилган 16—17 ёшлиқ қизлар ҳам чиққан эди. Бир маҳал қарасам ҳалиги қизлардан бири йўловчиларнинг сўмчаларини очиб, нима-ларидан ўйратилди, афтонорида ўйратилди йўқ. Мен шеригимни турдим. У «Ним бул, ишинг бўлмасин», деб пичирлади. Қизларнинг қилқилларини бошқариш ҳам кўриб туришган экан, ҳеч ким оғиз очмади. Санаторийда биз билан ҳалиги қизлар ҳам тушишди. Уларнинг ортидан барзангидек тўрт йилгит эргашди. «Қўриқин!» — деди шеригим. — агар «ғинг» деган

мелисахонага топширмасак ҳали аҳволимиз беш баттар бўлиши мумкин. Шуларни кўриб, ешлигим ҳолимга тушди. У пайтларда ҳозиргидек тўқтинчилик қаёқда дейсиз. Оч юрсак юрардик, лекин бирининг молига кўз олайтирмасдик. Ҳозир мустақил бўлдик. Президентимизга минг раҳмат, халқимнинг бурнини қонатмай, оғирчиликлардан олиб чиқпти. Шундай пайтда халқни шиладиган муттаҳкамларни очиб суд қилиш керак, машина ўғирларини товбасига таянтириш керак. Чунки, бу ноисхал мустақилликнинг душманлари, оғиримиздаги кишанлардир. Менинг бу гапларимга вилан ва шаҳар ички ишлар бошқармалари раҳбарлари тегишли жавоб қайтаришар, деди ўйлайман.

Абдулла ҲАЙИТОВ, Охандорлар шаҳар қариялар уйи.

БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

ЎҒРИ... ҚИЗЛАР

ловчилар кўп экан, бир амаллаб «ТошГРЭС» автобусига чиқдик. Биз билан бирга автобусга лаблари, кўзлари, юзлари бўлган, сочлари кесилган 16—17 ёшлиқ қизлар ҳам чиққан эди. Бир маҳал қарасам ҳалиги қизлардан бири йўловчиларнинг сўмчаларини очиб, нима-ларидан ўйратилди, афтонорида ўйратилди йўқ. Мен шеригимни турдим. У «Ним бул, ишинг бўлмасин», деб пичирлади. Қизларнинг қилқилларини бошқариш ҳам кўриб туришган экан, ҳеч ким оғиз очмади. Санаторийда биз билан ҳалиги қизлар ҳам тушишди. Уларнинг ортидан барзангидек тўрт йилгит эргашди. «Қўриқин!» — деди шеригим. — агар «ғинг» деган

мелисахонага топширмасак ҳали аҳволимиз беш баттар бўлиши мумкин. Шуларни кўриб, ешлигим ҳолимга тушди. У пайтларда ҳозиргидек тўқтинчилик қаёқда дейсиз. Оч юрсак юрардик, лекин бирининг молига кўз олайтирмасдик. Ҳозир мустақил бўлдик. Президентимизга минг раҳмат, халқимнинг бурнини қонатмай, оғирчиликлардан олиб чиқпти. Шундай пайтда халқни шиладиган муттаҳкамларни очиб суд қилиш керак, машина ўғирларини товбасига таянтириш керак. Чунки, бу ноисхал мустақилликнинг душманлари, оғиримиздаги кишанлардир. Менинг бу гапларимга вилан ва шаҳар ички ишлар бошқармалари раҳбарлари тегишли жавоб қайтаришар, деди ўйлайман.

Абдулла ҲАЙИТОВ, Охандорлар шаҳар қариялар уйи.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

Енгил атлетикачилар саройи

«Ешлик» спорт аренаси эди. Янги ёшиқ стадион эса ўзининг қулайликлари, катталиги жиҳатидан «Ешлик»дан устун туради. Бу ердаги юғурин йўлакчаларига махсус қопламлар ётқизилган. Сакраш, ядро улоқтириш каби спорт турлари учун алоҳида жойлар ажратилган. Қулай ва шиман кийиниш хоналарининг мавжудлиги спортчиларга

Футбол

СОВРИНГА—50 МИНГ ДОЛЛАР

Кеча Москвада Россия футбол уюшмаси, Россия федерацияси спорт миллий фонди ва «Олимпия» лотереяси компанияси бirlа-лиқда ташкил этган «Ешлик мамлакатлари чемпионлари кубоги» халқаро турнирининг гуруҳлардаги дастлабки учрашувлари ўтказилди. Маълумки, бу турнирда Украина чемпионидан ташқари собиқ Иттифок республикаларининг барча кучли командалари қатнашмоқдалар. Турт гуруҳга бўлишган командалар ўртасидаги ўзаро ўрашувлардан сўнг ярим финаллар, сўнгги финаллар аниқланади. Шунинг билан ҳам ўтиш лозимки, соврин учун 50 минг доллар ажратилган. Шу жағмарнинг яқинги финалчилар: 35 фозин — Россия ва 15 фозин иккинчи командга насиб қилди. Соврин жағмарининг ярим бошқа командалар ўртасида ўзаро тақсимланади.

Мухаррир ўринбосари С. Ф. МУСАЕВ.

Телефонлар: МУАССИЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ. БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32. ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48. АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.